
Риштон тумани ҳоқимлиги Ахборот хизматининг билдириши

Риштон тумани Минор МФЙ да яшовчи Дилдора Воҳидова томонидан ижтимоий тармоқ орқали қилган видеомурожаатига асосан махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ҳурматиликлар жараёнида шу кунга қадар Риштон тумани ҳоқимлиги томонидан Дилдора Воҳидовага бир неча бор моддий ёрдам берилгани аниқ бўлди.

Бундан ташқари, унинг “Деҳқон бозори” да бўлган тикувчилик цехи давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилгани сабабли компенсация пуллари ҳам тўлиқ тўлаб берилган. Бузилган дўконига ўрнига янги қўрилаётган кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида жой ажратиб берилган.

Ушбу бинолар “Қурилишинвест” фирмаси томонидан қурилаётгани боис, бинонинг таннархи 390 миллион сўмни ташкил этган. Туман ҳоқими ва сектор раҳбарларининг сайъи ҳаракатлари билан унинг нарҳини 200 миллионга туширилган.

Лекин бундан ҳам норози бўлган Дилдора Воҳидова ўзининг ногирон фарзандидан фойдаланиб, ушбу тикувчи цехи учун жойни ҳеч қандай тўловсиз олишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун ҳатто ногиронлиги бўлган фарзандидан фойдаланаётгани ачинарли ҳолдир.

Ушбу видео мурожаатдан сўнг, туман ҳоқими бошчилигидаги ишчи гуруҳ вакиллари Дилдора Воҳидова билан суҳбатлашишди ва унга тушунтиришлар берилди ҳамда Дилдора Воҳидовага ипотека кредити олишга ёрдам беришди.

2020-10-17 17:18:16